

Илгари судланганидан тўғри хулоса чиқармаган С.О. такроран жиноят кўчасига кирди.

Илгари жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2016 йил 13 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинганлигидан тегишли хулоса чиқармаган С.О. (ФИШ ўзгартирилган) яна жиноят кўчасига кирди.

Жумладан, С.О. ва Б.Ж.лар бир гуруҳ бўлишиб, 2022 йил 8 сентябрь куни соат 19-30 ларда Узун туман Тиббиёт бирлашмаси ҳудудида, яъни жамоат жойида ўзларига аввалдан нотаниш бўлган Узун тумани “Ўрмончи” маҳалласида яшовчи фуқаролар М.Қ. ва М.С.лар билан автомашинаси йўлини тўсиб қолишганлиги масаласида жанжаллашиб, жанжал вақтида ўзларининг ҳаракатлари билан жамоат тартиби ва фуқароларнинг тинчини бузишаётганлигини яққол англаган ҳолда М.Қ.нинг баданини турли соҳаларига уришиб, безорилик ҳаракатларини олдини олиш учун уларни ажратмоқчи бўлган фуқаро М.С.га ҳам фаол қаршилик кўрсатишиб, уни ҳам баданини дуч келган соҳаларига қасддан уриб, тан жароҳати етказишган.

Судланувчи С.О. судда айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 2022 йил 8 сентябрь куни Узун туман марказига борганлигини, дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб уйга қайтиш учун соат 19-30 ларда маҳалладоши Ж.нинг “Тико” русумли автомашинасини олд ўриндиғида ўтирганлигини, орқа ўриндиқда ҳам икки нафар фуқаролар бўлганлигини, автомашинада “Янги куч” маҳалласидан ўтиб боришаётган вақтда олдиларидан оқ рангли “Жигули” русумли автомашина чиқиб қолганлигини, ушбу автомашина ҳайдовчисини йўлга нотўғри чиқиб қолганлиги учун уни қилишганлигини, сўнг Ж. автомашинани тўхтатиб, “Жигули” автомашинаси ҳайдовчиси, кейинчалик исми-шарифини билишича, М.Қ. билан ёқалашиб

кетишганлигини, ўзи М.Қ.нинг ёқасидан ушлаб урганлигини, шериги Ж.Қ. ҳам уни урганлигини, буни кўриб “Жигули” автомашинасида ўтирган М.Қ.нинг турмуш ўртоғи М.С. тушиб ажратишга ҳаракат қилганлигини, уни қўллари билан итариб юборганлигини, М.С. ерга йиқилиб тушганлигини, шу вақтда атрофда кўп одамлар йиғилиб қолганлигини, ҳозирги кунда жабрланувчи М.Қ. ва М.С.лардан кечирим сўраб, уларга етказилган моддий зарарларни қоплаганлигини, бошқа бундай жанжал қилмаслигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Натижада С.О. Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Қайд этилган ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, қаршисидан келган автомашина билан йўл таллашиш натижасида шунча жанжал, бир шахсни оиласини олдида уриш, жиноятчи деган тамғани орттириш, шунча йил жазони ўташга тўғри келаётгани. Боринки шу ҳолатда ноҳақ йўлингизга чиқиб кетган бўлса ҳам бир дақиқа ўзини тутиб олиб “марҳамат ўтинг” деб йўл берсангиз у ҳам сиз ҳам хурсанд, “Олам гулистон” деганларидек ҳеч нарса бўлмасди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, қонун устувор ва ҳар бир жиноят учун жазо муқаррардир.

**Жиноят ишлари бўйича
Узун туман судининг раиси
О.Жуманов**